



“ТАСДИКЛАЙМАН”  
ТАТУ Фарғона филиали директори  
А.М.Расулов  
“05 ” ғеввар 2021 йил

## 58.ФАКУЛЬТЕТ ДЕКАНИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Факультет деканатининг фаолиятини ва ходимларини умумий бошқариш;
- Факультетда малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни таъминлаш, ўкув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ишларга бевосита раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартлари, ўкув режалар, ўкув дастурлар бажарилишини таъминлаш;
- Ўкув машғулотларини ўтказиш жадвалларини тузишни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиши, талабаларнинг ўзлаштириши ва давоматини текшириб борилишини, рейтинг назорати олиб борилишини, ўзлаштириш кўрсаткичларини, интизом назоратини ташкил этиш:
  - Талабаларнинг курсдан курсга ўтказиши тўғрисида буйруқлар лойихасини тайёрлаш;
  - Талабаларга стипендия тайинлаш хайъати ишини ташкил қилиш ва бошқариш, талабаларга стипендия берилиши тўғрисида буйруқ лойихасини тайёрлаш;
  - Яқуний давлат аттестацияларини Низом талаблари асосида ташкил қилиш ҳамда талабаларни давлат аттестациясида қатнашишларини таъминлаш;
  - Иктидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва улар билан индивидуал, максадли ишларни тадбирларини ташкил этиш, уларни фанлар бўйича олимпиадалар, турли жамгармалар (жумладан хорижий) танловларида қатнашишга тайёрлаш ва иштирокини таъминлаш;
    - Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириши ишларини мувофиқлаштириш ва ташкил этиш;
    - Факультет таркибидаги таълим йўналишларига тааллукли дарслеклар, ўкув ва услубий кўлланмалар тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш, бошқариш;
    - Янги информацион технологияларни ўкув жараёнига кенг татбик этилишини, профессор-ўқитувчиларнинг янги информацион технологияларни эгаллашларини таъминлаш;
    - Профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида инглиз тилини ўрганишни ташкил этиш, инглиз тилида сўзлашув нуткини шакллантириш, амалий машғулотлар ва маъruzalarни инглиз тилида ўтилишини назорат қилиш;
    - Факультет миқиёсида хужжатларни электрон алмашинувини, Филиал сайтига талабалар хакидаги маълумотларни тўлиқ киритилишини таъминлаш ва мунтазам янгиланиб борилишини назорат қилиш;
    - Гурух мураббийлари билан узвий алоқа ўрнатиш, фаолиятини назорат қилиш;
    - Факультет Илмий Кенгашини фаолиятини бошқариш;
    - Илмий ва илмий услубий конференциялар, кафедраларро йиғилишлар, факультет профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида долзарб мавзуларда (жумладан, ўз соҳасида янгиликлар ва илмий-техник ривожланиш масалалари, мамлакат иқтисодий- ижтимоий ривожланиши масалалари ва х.к.) семинарлар, мулокот (дискуссия)лар ташкил этиш ва ўтказиш;
    - Олий таълим муассасасининг маркетинг хизмати билан ҳамкорликда факультетда тайёрланадиган мутахассисликлар бўйича мавжуд ва истиқбол эктиёжни ўрганиш, мутахассисларга талабгор ташкилот, корхона, муассасалар билан алоқалар ўрнатиш, битирувчиларни ишга жойлашиши имкониятларини тартиба солиши (максадли шартномалар), амалий тавсиялар бериш;
    - Турдош олий ва ўрта-маҳсус таълим муассасалари ҳамда илмий муассасалар, жумладан ривожланган хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;
    - Талабалар турар жойларида тарбиявий ишларни ташкил этиш;
    - Ваколати доирасида мурожаатларни кўриб чиқиш;
    - Уз ваколати доирасида факультетнинг барча ходимлари, талабалари учун мажбурий булган фармойиш, йурикнома ёки курсатмалар чиқариш;
    - Таълим мазмунини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эктиёжлари, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган таълим стандартлари асосида шакллантириш;
    - Факультетда ўқитиладиган фанларни мазмунан ва ўкув аудитория соатлари ҳажми бўйича ривожланган чет эл мамлакатлари даражасида мувофиқлаштириш учун фанларнинг анъанавий мазмунини сақлаган ҳолда замонавий ахборот, услублар, янгиликлар ва бошқалар билан бойитиши ишларини назорат қилиш;

- Касбий этикани шакллантириш масалаларига кенг эътибор бериш, адолатли, фидойи, ватанпарвар ва эътиқодли ёш кадрларни тайёрлашни таъминлаш;
- Факультет таркибида кирувчи кафедраларнинг фанлари бўйича, бошқа Олий таълим муассаса профессор-ўқитувчилари ва хорижий олимлар билан ҳамкорликда, дарслик ўкув қўлланмаларни тайёрлашга раҳбарлик қилиш, компьютер саводхонлиги учун машгулотлар ташкил этиш;
- Факультет Илмий Кенгаши кошида устозлар тажрибасини ўрганиш, янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва малака ошириб келган профессор-ўқитувчиларнинг хисоботларини мухокама қилиш бўйича семинарлар ташкил этиш;
- Декан муовинларини тайинлаш бўйича Олий таълим муассаса директорига тавсиялар бериш;
- Юқори ташкилотларнинг кўрсатмаларига асосан факультет бўйича тегишли ҳужжатлар ва маълумотларни тайёрлаш;

**Билиши керак:**

Факультет фаолиятига тегишли қонунлар, Вазирлар Махкамасининг Қарорлари, Вазирликнинг Ҳайъат Қарорлари, буйруклари, ОТМси директори буйрукларининг моҳиятини билиши, ОТМси йиллик ва истиқболи режаларини билиши;

**Малака талаблари:**

- Олий таълим муассасаларида бошқарув лавозимида зарур бўлган касбий ва ташкилотчилик қобилиятларига, таълим соҳасида раҳбарлик иш тажрибаси ва стажига, фаолият тури ва ваколатлари доирасида тегишли билим ва қўнималарга эга булиши;
- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, етакчилик, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик, ташкилотчилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият хисси, мустакил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий харакат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- ОТМда бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларидан бири бўйича фан доктори ёки номзоди илмий даражасига, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлиши;
- Факультет йўналиши бўйича камидаги 5 йиллик самарали иш стажига эга бўлиши зарур.

**Классификатор бўйича:**

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотининг энг паст даражаси	ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди
511	Факультет декани	1229	Б	Олий маълумот	Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра